

ЎСМИР ВАЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ МАШГУЛОТЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАШ

Эшбаев Химмат Аблакул ўғли

Жиззах давлат педагогика университети Мактабгача таълим факультети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7191653>

Аннотация. Уибу мақолада ўсмирлар учун волейболчиларни тайёрлашида очик ўйинлардан фойдаланиши усуллари, волейболчиларни тайёрлашини бошқаришининг илмий-педагогик асослари, волейболчиларнинг жисмоний фазилатлари, ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириши мактаби ва жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёж. Жисмоний тарбиянинг шакллари, воситалари ва усулларини баъзи техникалар, ҳаракатли ўйинлар ва ноанъанавий машқларни ўргатиш асосида таомиллаштириши зарур, таомиллаштириши бўйича тегишили хуносалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калим сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, волейбол, ҳаракатли ўйинлар, дидактик ўйинлар, интенсивлаштириши.

НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АКТИВНЫХ ИГР В ПОДГОТОВКЕ ПОДРОСТКОВ-ВОЛЕЙБОЛИСТОВ

Аннотация. В данной статье рассматриваются методы использования подвижных игр в подготовке волейболистов подростков, научно-педагогические основы управления подготовкой волейболистов, физические качества волейболистов, школа повышения физической подготовленности подростков и необходимость по физическому воспитанию и спорту Необходимо совершенствовать формы, средства и методы физического воспитания, на основе обучения некоторым техническим приемам, двигательным играм и нетрадиционным упражнениям разработаны соответствующие выводы и рекомендации по совершенствованию.

Ключевые слова: физкультура, спорт, волейбол, подвижные игры, дидактические игры, активизация.

SCIENTIFIC PEDAGOGICAL JUSTIFICATION OF THE METHODOLOGY OF USING ACTION GAMES IN TRAINING OF TEENAGE VOLLEYBALL PLAYERS

Abstract. This article discusses the methods of using movement games in the training of adolescent volleyball players, the scientific and pedagogical basis for the management of volleyball players' training, the physical qualities of volleyball players, the school to increase the physical fitness of adolescents and the need for physical education and sports. There is a need to improve the form, means and methods of physical education, based on the teaching of some technical skills, movement games and non-traditional exercises, appropriate conclusions and recommendations for improvement have been developed.

Keywords: physical education, sports, volleyball, action games, didactic games, intensification.

КИРИШ

Мамалакатимизда ёш авлодни ҳар тамонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг бош масалалари сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тъЎзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича 2017-2021-йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

фармонига асосан давлат дастури ишлаб чиқилди. 2017-йил 3-июлдаги „Жисмоний тарбия ва оммовий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-3031сонли қарори ва 2018-йил 5-мартдаги „Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисидаъыги ПҚ-5368 сонли фармони, 2020-йил 30-октабрдаги „Соғлом турмуш тарзини көңг тарғиб этиш ва оммовий спортни янада ривожлантириш чора- тадбирлари тұғрида”ги ПҚ-6099 фармони ва 2020-йил 23-сентабрдаги “Таълим тұғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда уларни жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаёттің нұқтаи-назарға эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияттини ривожлантириш жараённанда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш....ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини құллаб-кувватлаш ҳамда амалға ошириш, болалар ва ёшлар үртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортта көңг жалб этиш белгилаб қўйилган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Волейболчиларнинг машғулотларида ҳаракатли ўйинларни қўллаш ва ҳаракатли ўйинлардан самарали тарзда фойдаланиш услубларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

1. Ўсмир волейболчилардан иборат тажриба ва назорат гурухларида волейболчига хос жисмоний сифатлар, айрим техник малакалари, ҳаракатли ўйинлар ҳамда ноанъанавий машқлар ёрдамида шакллантириш усулини ўргатиш:

2. Волейбол машғулотларида ва жисмоний тарбия дарслари жараённанда волейбол машғулотларини самарали ташкил қилиш усулини ўргатиш:

3. Синфдан ташқари волейбол машғулотларини ўтказишида;

4. БўйСМ ларда волейбол мутахассислигининг болалар ва ўсмирларида жисмоний ва техник тайёргарлиги ривожлантириш усууллари. Л.Р. Айрапетянц, М.А. Годик (2009) ларнинг фикрича волейболга ихтисослашган машғулотлар билан илк бор шуғулланишини 11-13 ёшдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. У ўзининг тадқиқотларида айнан шу ёшдага болаларни жисмоний ва техник тайёргарлигини жадал сур'атлар билан ўстириш имкониятларини очиб берди .

Тадқиқотда қўлланадиган усул ва технологиялар.

Волейбол бўйича тренернинг малака ошириш курси машғулотларида “пинборд” “рефлексия” ва курси “Кейс-стади” вар каби инноватсион технологиялардан фойдаланиш бўйича шакл, услублар, илғор тажрибаларини илмий – услубий ёндашган ҳолда умумлаштириш таҳлил қилиш .

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Таълим жараёнини модернизациялаш босқичида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишнинг дидактик асосларини яратиш орқали ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий фазилатларини камол топтириш, жисмоний тарбия дарсларида ўқувчи фаолиятини бошқариш мухим педагогик масалалар сирасига киради.

Ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишнинг дидактик асосларини яратиш учун: оптималь педагогик-психологик вазиятларни ташкил қилиш, фанлараро интегратсиялашув жараёнини таъминлашда тақдим қилинаётган материалларнинг педагогик имкониятларидан көңг фойдаланиш лозим.

Ўсмир волейболчи ўқувчиларида ҳаракатли ўйинлар орқали спорт малакаларини ўстириш уларда: спорт техникасини англашлари, ўқув материалини идрок қилиш жараёнини интенсивлаштириш зарур. Бу эса ўз навбатида мустақиллигимизни қадрлай оладиган, ўзлигини, жамият, давлат ва оила олдидаги маъсулиятни англайдиган этук шахсни шакллантириш каби вазифалар билан боғлиқ жараёндир.

Волейбол дарсларида ўйинлар ўз мазмуни ва қоидалари, тарбиявий таъсир кўрсатишига кўра: шартли равишда дидактик ўйинлар, мусиқий ўйинлар ва ҳаракатли ўйинларга бўлинниб, улар орқали ёш волейболчи ўқувчиларида ҳаракат малакалари, спорт техникаси шакллантирилади, ақлий фаолияти ривожланади, билимлари чуқурлашади ва кенгаяди; ахлоқий фазилатлари таркиб топади. Кучли таъсирчан ва мустаҳкам тарбиявий ва таълим тизимини фақатгина фан ўрнатган объектив асослар ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамида ривожлантирилади. Демак, бошланғич синф ўқувчилари учун фан дастурига киритилган ҳаракатли ўйинларни маълум тизимлаштириш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини ва унга қўйилаётган замонавий талабларни инобатга олиш, лозим бўлади. Бунда ҳаракатли ўйинларнинг педагогик характеристини инкор этиб бўлмайди. Сакраш учун қуидаги миқдорлар оқилона ҳисобланади: 11 мартадан 3 серия – яхши тайёргарлик кўрган спортчилар учун ва 1-2 серияда 5-7 мартадан – камроқ тайёргарлик кўрганлар учун. Сериялар орасидаги дам олиш 5-7 дақ. давомида енгил югуриш ва бўшашиш учун машқлар бажарилади.

Оғирликлар билан «жадал» усулда машқларни бажаришда қуидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

уларни мушакларни қиздирувчи маҳсус машқлардан кейин қўллаш мумкин;

«жадал» ҳаракатлар миқдори серияда 4-7 марта такрорлашдан ортмаслиги лозим;

«жадал» таъсир катталиги юқ вазни ва ишчи амплитуда катталиги билан ифодаланади. Ҳар бир ҳолда бу кўрсаткичлар жисмоний тайёргарлик даражасига боғлиқ ҳолда аниқланади;

тананинг бошланғич ҳолати машғулотда ривожлантирилаётган ишчи кучланишнинг ҳолатига мос равишда танланади.

Спорт таълимида инноватсиалар (инглс “инноватсион “– янгилик киритиш , ихтиро) – спорт таълим тизимда ёки ўқув–машғулот жараёнида мавжуд муаммони креатив ёндашув асосида ечимини топиш мақсадида қўлланилиб самарали натижани кафолатлай оладиган шакл услугуб ва технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Малака ошириш курсларида волейбол бўйича назарий машғулотларида пинборд технологияси. Пинборд инглизча (пин – мустаҳкамлаш , боард – доска , Доскага мустаҳкамлаш). Волейболчилар машғулотсининг муваффақияти, ўйинчилар МЖС ларининг ривожланиш даражасини аниқ ва тўғри назорат қилинишига боғлиқдир. Педагогик назорат (ПН) алоҳида МЖСни ўзгариш даражаси динамикасини (сур'атини) аниқлаш имкониятини беради. Буни асосида, МЖТни самарали бошқаришни янги йўлларини белгилаш мумкин» Негаки «тайёргарлик тузилишини оқилона ташкил этишни замонавий йўлларидан бири, қисқа вақт ичida спорт формасини ривожлантиришни кўп қиррали моделини тузишдир».

Жисмоний тайёргарликни, педагогик назорат турларини ўрганиш, бошқаларни ишларида тез-тез учрайди, ма`лум равишдаги МЖТни ПНнинг аниқ белгиланган саволларига жавоб бера олади.

Ўсмир ёшидаги болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳамда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжини ошириш учун мактаб жисмоний тарбия шакли, восита ва услубиятини такомиллаштириш заруриятини туғдиради

Бугунги кунда жаҳон спортидаги кўрсаткичларнинг жадал равишда янгиланиб бораётганлиги, ёш спортчиларни тайёрлашнинг янги, янада самарали воситаларини, услубларини ва шаклларини излашни тақазо этади .

Волейболчиларнинг спорт маҳоратини юксалиши аксарият холларда тезлик-кучлилик сифати бўйича белгиланади. Ушбу сифатни ривожлантириш волейболчиларни тайёрлашнинг муҳим вазифаларидан биридир Юқорида қайд этилган ма’лумотлар шуни кўрсатадики, ёш волейболчиларни маҳсус жисмоний тайёргарлигини ошириш, уларнинг техник малакаларини шакилланиши муҳим аҳамият кашф этади. Демак, юқори малакали волейболчилар тайёрлашда маҳсус жисмоний сифатлар уларнинг асосий ўйин малакаларини такомиллашишида муҳим ўрин эгаллар экан.

Волейбол назарияси ва амалиёти соҳаси доирасидаги кўпгина мутахассислар фикрича сакровчанлик ва сакраш тайёргарлигининг ўйин давомида ижро этиладиган техник малакалар самарасини белгилаб беради. Ҳар бир ўйинда иштирок этувчи жамоа ўйинчиларнинг ўйин маҳорати, жисмоний тайёргарлиги ва ўйин партияларининг давом этишга қараб техник малакалар ҳажми ва самарадорлиги турлича бўлиши ўз-ўзидан ма’лум.

МУҲОКАМА

2019-2021 йилларда фойдаланилган дидактик, методик адабиётларни ўрганиб чиққан ва танқидий таҳлил, умумий ўрта таълим муассасалари учун жисмоний тарбия фан дастури ва ўқув қўлланма ҳамда дарсликларни таҳлилий ўрганиш, ўқиши ва ўқитиши жараёнларини кузатиш, ўқитувчилар билан сұхбат ўтказиш, анкета, оғзаки сўров, ёзма назорат ҳамда таҳлил қилиш ва умумлаштириш, назария билан амалиётнинг бирлигига амал қилиш, умумий ўрта таълим мактабларида педагогик тажриба-синов ўтказиш ҳамда ундан олинган натижаларни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларда волейбол ўйнашга қизиқиш кузатилди ва уларни жисмоний чиниқиши кўникмаси ортди.

9-11- синф ўқувчиларидан иборат назорат ва тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган стандарт ва стереотип машқлар (назорат гуруҳида) ўқувчилар фаоллиги, сакровчанлик, тезкорлик ва ҳаракат аниқлиги каби қобилиятларни этарли даражада ривожлантира олган экан. Дарс жараёнида ўқувчиларда волейболга бўлган кўникмани шакилланишида қўлланилган маҳсус ҳаракатли ўйинлар ва ҳар хил ҳолатларда ижро этиладиган айланма тезланишларга оид машқлар (ноанъанавий машқлар), юқорида қайд этилган волейбол ўйнаш сифатларини тажриба гуруҳидаги ўқувчиларда самарали ривожлантириш имкониятига эга эканлиги исбот қилинди, ҳамда шу ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқиши, фаоллиги ва қайфиятларига ижобий таъсир этганлиги кузатилди.

ХУЛОСА

Танлаб олинган ва тадқиқот асосида самарадорлиги ўрганилган жисмоний тарбия дарсидаги маҳсус ҳаракатли ўйинлар ва айланма тезланишларга оид турли ноанъанавий машқлар 9-11-синф ўқувчиларида волейболга ўйинини ташкиллаштиришда, ҳар бир дарсда ва дарсдан ташқари шароитларда мунтазам қўллаш ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбия жараёнини фаол поғонага кўтариш, уларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган

қизиқиши ҳамда соғлом турмуш тарзни ортишига олиб келади. Амалиётта тавсия этилаётган махсус ҳаракатли ўйинларни ва айланма тезланишларга оид ноанъанавий машқлардан волейбол ўйинини ташкиллаштиришда ўқув йилининг барча чоракларида, йилнинг барча мавсумларида очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларида ўтказиладиган машғулотларда мунтазам фойдаланиш, айниқса мактабларининг жисмоний тарбияни жараёнини оммавий шаклланишига туртки бўлади. Юқорида келтирилган хуносалар асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилда ва амалиётта тадбиқ қилинди.

REFERENCES

1. Усмонходжаев Т.У. Ф.Ходжаев Ҳаракатли ўйинлар Тошкент 2005-й.
2. Пулатов А.А. Ёш волейболчилар тезкорлик-куч сифатларини шакллантириш услубияти. Услубий қўлланмана. –Т., 2008.
3. Рахимқулов К.Д.Миллий ҳаракатли ўйинлар .Тафаккур Бўстони 2012й.Сафаров О. Ўзбек халқ миллий ўйинлари.-Т.: Ўқитувчи, 1994. –
4. Машарипов Й. Спорт психологияси.- Самарқанд:СамДу нашр-матбаа маркази,2003.--
5. Саламов Р.С. Ўқувчиларни Жисмоний тарбиялаш жараёнида ҳаракатли ўйин 2002й.
6. Augapetyants L.R., Пулатов А.А. Волейбол назарияси ва услубияти // Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: «Фан ва технология»,2012.
7. Болтаев З.Б.Воллейбол // Олий ўқув юртлари учун дарслик.- СамДУ наширёти 2020.